

Урганч шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Хоразм вилояти АЙХББ номидан Низом асосида иш юритувчи Бош бошқарма бошлиғи Ф.М.Садуллаев, бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган Тупрокқала ТЙФУК номидан Низом асосида иш юритувчи директор Д.Ниязметов иккинчи томондан, Давлат ахамиятидаги эга бўлган автомобиль йўллари сақлаш ишлари учун мазкур шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади:

Сақлаш – автомобиль йўллари ва йул иншоотлари элементларини соз ҳолатда сақлаш, шунингдек автомобиль йулининг бутун узунлигида йил мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йул иншоотларининг техник курилмалари иш режимлари буйича комплекс ишлар, йул, йул иншоотлари ва ажратилган минтақага қараш, доимий равишда пайдо буладиган майда шикастланишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъмирлаш. Шунингдек автомобиль йўллари сақлаш буйича комплекс ишлар;

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2. Мазкур шартнома буйича «Бажарувчи» томонидан бажариладиган 2022 йил 1 чорак учун сақлаш ишлари смета ҳужжатларига асосан барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа харажатларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 330 264 000 (Уч юз ўттиз миллион икки юз олти миш тўрт минг) сўм Шу жумладан туман бажарув аппаратурини сақлаш учун 240 264 000 сўмни ташкил этади.

3. Буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Хоразм вилоят газначилик бошқармасида очилган шахсий ғазна ҳисоб варағидан сақлаш ишлари учун ўтказилиши келишилди.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5. Мазкур шартнома буйича Бажарувчи шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун: объектлар буйича дефект актларини тузиш, смета ҳужжатларини тайёрлаш, ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади; шартнома шартларига асосан объектлардаги барча ишларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқланган сметаларига мувофиқ амалга оширади;

сақлаш майдонида техника хавфсизлиги, автомобиль йулида ҳаракат хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6. Бажарувчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкрий жавоб беради.

IV. БУЮРТМАЧНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Бажарувчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Бажарувчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш; мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

8. Бажарувчи январь ойидан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

9. Сақлаш ишларининг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

10. Буюртмачи томонидан Бажарувчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга оширади. Буюртмачи Бажарувчига шартнома буйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 5 мартдаги № 123-сонли қарори ва низомига асосан (режалаштирилган) ҳар ойда 40 фоиз миқдорда аванс маблағ ўтказилади.

11. Бажарувчи мазкур шартнома буйича йил давомида объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Бажарувчининг зиммасида бўлади.

12. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

13. Буюртмачи объектда ўз вақилини - техник қузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Бажарувчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

14. Техник қузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўқисиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

15. Бажарувчи техник қузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник қузатувчи Бажарувчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектда ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

16. Бажарувчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник қузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кунидан 25 кунигача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) ойнинг 26 кунига қадар Хоразм вилояти АЙХББга топширади.

17. Бажарувчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

18. Бажарувчи объектда ишларни олиб бориш тартибини ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

19. Объектда умумий тартибни таъминлаш Бажарувчининг вазифаси ҳисобланади.

20. Бажарувчи ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

21. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби буйича Бажарувчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Бажарувчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

VIII. КАФОЛАТЛАР

22. Бажарувчи: барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш мезъерлари, кондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни; ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг смета ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни; объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш кондаларига мувофиқлигини кафолатлайди. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Бажарувчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади. Агар Бажарувчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Бажарувчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.
23. Бажарувчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА УЗАРО ЮЗАГА КЕЛАДИГАН НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

24. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки тегишли тарзда бажармаганликлари учун Буюртмачи ва Бажарувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан жавоб берадилар.
25. Техник топширик талабларидан ёки шартноманинг бошқа муҳим шартларидан четланганда Буюртмачи ишларнинг тугаланишни кутмасдан, бир томонлама шартноманинг амал қилиниши тухтатишга ҳамда Бажарувчидан келтирилган зарарларни қоплашни, шунингдек туланган аванс туловларни қайтаришни талаб қилишга ҳамда ишларга бутунлай ёки қисман тулов қилмасликка ҳақли.
26. Бажарувчи ушбу шартнома техник топширигида қўзда тутилган сақлаш ишларини бажаришда йўллар тармоғи бўйича ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича масъулиятни зиммасига олади.
27. Йўлни сақлаш ишларининг қоникарсизлигидан ДЙХХХ органлари ҳужжатлари билан тасдиқланган йўл транспорт ходисаси руй берса, Буюртмачи 25- банд талаблари асосида ҳаракат қилишга ҳақли.
28. Агар Бажарувчи ишларни бажариш билан техник топширикда белгиланган сақлаш ишлари даражасидан паст даражани таъминлаган бўлса томонларнинг узаро қўшимча қилишувига мувофиқ Буюртмачи бажарилган ишлар учун туловни ҳақиқатда эришилган сақлаш ишлари даражасига қўра амалга оширади. Сақлаш ишлари руҳсат этилган даражасидан паст курсаткичда бажарилган ишлар учун тулов қилинмайди. Бажарувчи бу ҳолатда пул маблағларини (аванси хам қўшиб) қайтариши ёки ишларни ўз ҳисобидан техник топширикда белгиланган даражада бажаришни таъминлаши керак.
29. Шартнома шартлари узгарганда томонлар шартномага қўшимча қилишув баённомасини тузадилар.
30. Шартнома бўйича масалалар тарафларнинг узаро қилишuvi билан хал қилинади. Акс ҳолда жавоб берувчи жойлашган ердаги Ҳужжалик судига мурожаат қилинади.
31. Буюртмачи шартнома бўйича ажратилаётган маблағларнинг самарали ва мақсадли сарфланишини назорат этиш учун аудиторлик текшируви ўтказишга ҳақли.

X. ФАВКУЛОТДА ХОЛАТЛАР (ФОРС-МАЖОР)

32. Тарафлардан ҳеч бири бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан қўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар, бунга қўшиб уруш эълон қилиши ёки амалда бошланганлиги, фуқаролик тартибсизлик, блокада, ёнгин, табиий офатлар ёки бошқа тарафларга боглик бўлмаган сабаблар туфайли тула ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди. Мажбуриятларни бажариш муддати фавкулодда вазият давом этидиган муддатгача узайтирилади. Агар ушбу фавкулодда вазият икки ёки ундан ортиқ ой давом этадиган бўлса тарафлар шартномада белгиланган мажбуриятларни бажаришдан воз кечиш ҳуқуқига эга бўладилар.
- Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришнинг имконияти бўлмай қолган тараф иккинчи тарафни уч кун ичида бу ҳақда хабардор қилиши керак (телеграф ёки телефакс алоқа воситалар ёрдамида).
33. Бартараф этиб бўлмайдиган қўчларнинг таъсирида мажбуриятларни қисман ёки тулик бажара олмаслик ҳақидаги қарор тарафларнинг узаро қилишuvi асосида расмийлаштирилади.

XI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

34. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қилишувлари ўз кучини йўқотади.
35. Бажарувчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
36. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
37. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
38. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.
39. Мазкур шартнома бир хил юридик қўчга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ

БАЖАРУВЧИ

Хоразм вилояти АЙХББ	Тупроккала ТИФУК
Манзили: Урганч ш. Хива шох кўчаси 1 км.	Манзили: Тупроккала туман Саримой кишлоғи
Тел/факс: 224-57-27	Тел/факс:
ш/хр: 304510860334017045162118001	М.х/р: 22626000705211143002
ИНН: 201715124 ОҚОНХ: 97400	х/р:
Молия Вазирлиги Ғазначилиги	Банк: Миллий банк Хазарасп бўлими
Банк: Марказий Банкнинг Тошкент ш. бош бошқармаси	МҒО: 00860 ИНН: 307319134
х/р: 23402000300100001010 МҒО: 00014	ОҚОНХ: 61129



Ф.М. Садуллаев
(Ф.И.О.)

Х.Палванов



Д.Ниязметов
(Ф.И.О.)